

# Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Mart

D.	6	13	20	27	
S.	7	14	21	28	
Ch.	1	8	15	22	29
P.	2	9	16	23	30
J.	3	10	17	24	31
Sh.	4	11	18	25	
Y.	5	12	19	26	

2006

#12

(431)

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqarib boshlagan

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: info@huquq.uz

**...Бу йилги Наврўз қишлоқда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган деҳқон ва фермерларимиз ҳаётида том маънодаги янги кун, янги меҳнат палласидир. Хеч шубҳасиз, халқимизнинг мана шундай фидокорона меҳнати, интилиш ва саяб-ҳаракатлари негизда юртимизни янада обод қилиш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янги боқичга кўтариш, уларнинг ақл-заковати, куч-ғайрат ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратиб бериш, аҳоли саломатлигини асраш, кўпмиллатли жамиятимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш каби юксак мақсадлар мумкин.**

Президент Ислоҳ КАРИМОВнинг 19-март куни Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан.



## Дўст билан обод уйинг

Кўна Турон заминда Наврўз шабодлари эсиб турган паллада — 19 март кuni Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кутиб олди. Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар 20 март кuni бўлиб ўтди. Икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан фикр алмашиб, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Музокара якунлари бўйича икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланди. Қозоғистон президентининг Ўзбекистонга ташрифини икки давлат сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа дейиш мумкин. Мазкур ташриф, шубҳасиз халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон нафақат кўшни давлатлар, балки том маънодаги қардош халқларнинг киндик қони тўкилган муқаддас макондир. Хар иккала мамлакат халқларини асрлар давомида қондошлик, яхши кўнчилик ришталари боғлаб келади. Халқларимизнинг маданияти, тили ва дини, маънавий бирлиги ҳам шундан далолат беради. Президент Ислоҳ Каримовнинг таъбири билан айтганда: «Қозоқ ва Ўзбек халқлари тарихнинг барча давларида елкадош бўлган, ҳамнафас қадам ташлаган, турмушининг бор кувонч ва ғамини бирга баҳам кўрган».

1998 йил 31 октябрда Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасида имзоланган «Абадий дўстлик тўғрисида»ги шартномани мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни тартибга солуви ва

йўналтирувчи бош ҳужжат дейиш мумкин. Ўтган вақт ичида иқтисодиётга оид 50 га яқин ҳужжат, фан-техника соҳасидаги ҳамкорликка оид 9 та, солиқ қонунчилиги ва бошқа ҳужжатлар оид муносабатларга доир 10 та битим ҳамда қелишув имзоланган.

Охириги йилларга келиб Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо айланмаси миқдоридида кескин ўсишлар кузатишмоқда. Агар 2002 йилда савдо айланмаси 263,3 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 497 млн. долларни ташкил этди. Мамлакатимиз савдо-иқтисодий айланмасида Қозоғистон тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг минтақамиздаги улкан салоҳияти ва имкониятларини ҳисобга оладиган бўлсак, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё сиёсий ва иқтисодий жараёнларида барқарорлик ҳамда тараққиёт даври яқинлашганидан дарак беради.

Ш. ЁДОРОВ,  
«Huquq» мухбири

— Шаҳарни 2006 — 2010-йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури билан таъиниб чиққан кишида табиий савол туғилади. Дастур нимагадир асосланиб тузилган?

— Шаҳар ҳокимлиги, мутасадди идоралар шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини атрофича ўрганиб, чуқур таҳлил қилишди. Хусусан, ҳоким, ИИБ бошлиги, бошқа идораларнинг раҳбарлари билан бирга ҳамма маҳаллаларга бориб, фаоллар билан учрашди. Асосий эътиборни жойлардаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратди. Учрашувларда фуқаролар турмушдаги муаммоларни айтибгина қолмай тақлиф ва мулоҳазаларини ҳам билдиришди. Фуқароларнинг ишсизлар учун маҳаллаларда меҳнат ярмаркалари ўтказиш, баъзи кўчаларда автобус катновини йўлга қўйиш, электр симёчқларини алмаштириш, телефон тармоқларини носозликни бартараф этиш, мактаб ўқувчиларининг шаҳар транспортда беғул юришларини таъминлаш, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тарқатиш каби 200 га яқин талаб ва истақлари инобатга олинди. Бунинг учун маъсул идоралар, ижро муҳдатлари белгиланди. Муайян вақт ва катта сармоя талаб қилмайдиган муаммолар ҳал қилинди. Бир қатор ижтимоий-иқтисодий му-

## ДАСТУР ИЖРОСИ: ИЛК ҚАДАМЛАР

Андижон шаҳар прокурори Абдулатиф Аҳмедов билан суҳбат

аммоларни ҳал этиш шаҳарни 2006 — 2010-йилларда ривожлантириш дастурига киритилди.

— Дастурнинг асосий йўналишлари нимагадир иборат?

— Шаҳар ҳокимлиги барча идоралар, жамоатчилиқни жалб этиб тайёрлаган ушбу дастурдан кўзланган мақсад — шаҳарда меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиб бориб, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг иқтисодий, сиёсий билим савиясини юксалтиришдан иборат. Ушбу жараёнда хар бир фуқарога давлат ва жамият ишларида, иқтисодиёт ва маданиятда, сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имконият ҳавола қилинади. Пенсияонерлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ва талабаларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади.

— Бу тадбирлар қандай сармоя ҳисобига амалга оширилади?

— Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш иқтисодиётнинг барқарор ривожланиб бориши билан узвий боғлиқ. Дастурни тайёрлашда шаҳар

иқтисодиётининг сўнги йиллардаги ривожланиш сурвати ҳисобга олинди.

Шаҳримизда ўтган йили маҳаллий бюджетта тушум режаси 104,6 фоизга, харажатлар эса 100,3 фоизга бажарилди. Нақд пул кирими режадагидан 22,4 млрд. сўмга, савдо тушуми 20,2 млрд. сўмга ортди. Кичик бизнес билан шуғулланиш учун яратилган қулай шароит тўғрисида кўзга тутилган 420 та ўрнига 657 та юридик шахс, шунингдек, 967 та фуқаро тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб иш бошлади. Ўтган йили режага юритилган 7 та ўрнига 12 та корхонанинг мулкчилик шакли ўзгартирилди. 200,5 миллион сўмлик акциялар соҳилди. Кўчмас мулкни сотишдан 435,3 миллион сўм маблағ туширилди, бу эса режага нисбатан 183,9 фоизни ташкил этди. Андижондаги 25 та йилкор саннат корхонасида 16 мингта яқин ишчилар меҳнат қилишапти. 2006 — 2010-йилларда 9 та янги турдаги махсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган. 5 та янги корхона ишга

туширилиб, 6800 га яқин иш ўрни яратилади. Шаҳар саннатини ривожлантиришга 18,5 миллион евро ва 15,3 миллион АҚШ доллари миқдоридида инвестиция жалб этилади. Шу билан бирга шаҳарда кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилаёпти. 11 та кўча кенгайтирилди. Бюджет ва тадбиркорларнинг маблағи ҳисобига тўй-тантаналар ўтказиш учун 1000 ўринли зал, «Бахт уйи» мажмуаси, янги даҳаларда 2 та поликлиника, янги мактаб, 2 та коллеж қуриш режалаштирилган. Шунингдек, бир қатор мактаблар реконструкция қилинди. Кўчалар кенгайтирилиши муносабати билан бузиладиган уйлارнинг 2855 нафар эгасига яқка тартибда турар-жой қуриб олиши учун томожа ажратиб берилади. Умуман, шаҳарни ривожлантириш учун беш йил мобайнида бюджет, ҳомий ташкилотлар, корхона ва муассасаларнинг ўз маблағлари, кредит ва инвестиция маблағлари ҳисобидан 160,6 миллиард сўмлик сармоя жалб этилади. Айни чоғда дастур асосида кенг

## Суҳбат

қўламли бунёдкорлик ишлари бош-лаб юборилди.

— Шаҳарликларнинг кўзлари кўнчиб қолган бўлиши мумкин. Бароқ ўзаришлар, қурилишлар қўламли ташқаридан ахён-аҳёнда келиб турадиган кишининг эътиборини тортади...

— Шу тарихда аввало меҳнат ва бандлик муаммоси ечимини топаётгани. Жиноят ва ҳужумбузарликларнинг тахлили шаҳарда аксарият ҳолларда улар ҳеч қарерда ишламайдиган фуқаролар томонидан содир этилаётганини кўрсатмоқда. Дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг рўёбга чиқиши ҳужум-тартибнинг мустаҳкамланишига Бевосита таъсир ўтказди. Ҳайриқонуний диний-экстремистик оғирликнинг турмушдаги айрим муаммолардан фойдаланиб фуқароларни, айниқса ёшларни йўлдан оздиришга уринишлари бечасар бўлиб қолади. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан бирга профилактика ишларнинг таъсирчанлигини ошириб, қонунларга итоат руҳини синдириш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш муҳим вазифамиздир. Наврўз айёми арафасида барча зуртлоқларимизга тани сиҳатлик, юзга ниҳтилар рўёбга чиқишини тилаймиз.

«Huquq» мухбири Исроил ИБРОҲИМОВ суҳбатлашди

# Наврўзни қаршилар



## Водиллик полвон

Водил Фаргона туманининг маркази. Шоҳимардон йўлида, тоғ этагида жойлашган хушманзара қишлоқ. Шу ерда Шоҳимардонсой бир неча ирмоқларга бўлинади. Водилнинг истирожат боғида ёши таҳминан минг йилга тенг азим чинор савлат тўйиб турлади. Водиллик машҳур полвон — Турсунали Муҳаммад қўли бўшаб, тугилиб ўсган қишлоғига ташриф буюрганида азим чинорни албатта зиёрат қилиб ўтади, боғдаги «ойхонада» тенгқурлари, ёши улуглар билан суҳбат қуради, дуоларини олади.

Ёшлигидан бақувват, полвонсифат улғайиб бораётган Турсунали Шоҳимардонда тош иргитиб ўйнатаётган ёрдонлик алқомат Лочин полвонни устоз билиб, ундан полвонлик сирларини ўрганиди, жисмоний машқлар билан шуғулланиб, чиниқди. Углидаги иштиёқни кўрган Саодатхон ая ёлғиз нуридийдасини «Усгин, улғайгин, оруз-ниятларингга эришгин» дея дуо қиларди. Онанинг дуолари ижобат бўлди. Усталирлик давридаёқ ўглининг номи эл

озгига тушди: «Мамажон бойвачча-нинг ўғли полвон бўлибди. Оғир-оғир тошларни копток қилиб ўйнара-миш, қалин тахталарга мушти билан йўгон михларни қоқиб, ҳаммани хайратга солаётганмиш...» деган овозалар тарқалди. Бу орада Турсунали Муҳаммад институтнинг жисмоний тарбия факултетини тамомлади. Ўз устиди тинмай ишлади, машқ қилди, одамларни хайратга солувчи хилма-хил полвонлик усулларини намоёйиш қилиб, доврўғи вилоят, республика, қўшни юрталарга ҳам ёйилди. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият институтининг «Оммавий байрамлар режиссураси» факултетиди тахсил олиши байрам тадбирларини ташкил этишда айниқса қўл келди. Турсунали полвоннинг санъат соҳасидаги маҳорат сирларидан баҳраманд бўлган ўғиллари Равшанбек, Шавкатбек, Баҳожджон ва Бахтиёржонлар ҳам ота изидан бориб, «Водил чинори» ва «Полвон» оилавий миллий халқ циркини ташкил этиш-

ди. Турсунали Муҳаммаднинг турмуш ўртоғи Гулчехраҳон ая миллий халқ циркининг бадий раҳбаригина эмас, кўзойлогич ва илон ўйинлари билан республика цирк санъати конкурсида голиб чиқиб, шуҳрат қозонган.

Турсунали Муҳаммад миллий цирк санъатимизнинг жонқуярларидан бири сифатида юртимизнинг доврўғини Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Қувайт, Иордания, Германия, Болгария, Туркия каби мамлакатларга ёймоқда. Шу билан бирга полвонлик сирларини ўрганиш иштиёқидиғи ёшларга устозлик қилмоқда. У киши иждоқор ҳамдир. «Полвонлик сирлари» (1991 йил), «Белда белбоғи борлар» (1993

йил), «Полвоннома» (2004 йил) китоблари нашр этилган. Шунингдек, республика магбуоти, радио ва телевидениеси орқали чиқишлари ҳам ўйинларини тиклаш ва оммалаштиришга ҳисса қўшяпти.

Ўзбекистон дорбоз ва полвонлар ассоциациясининг президенти, республика кураш федерациясининг аъзоси, кураш бўйича «С» тоифали ҳакам Турсунали Муҳаммад бир неча йиллардан буён «Наврўз», Мустақиллик куни байрамларида, «Алпомиш», «Умид ниҳоллари» тантаналарида цирк ва миллий ўйинларни сахналаштирувчи режиссёр сифатида иштирок этиб келади. Ўзбек курашининг тарғиботчиси 2001 йили Саудия Арабистонида бўлиб, ушбу мамлакатда курашга иштиёқ уйғотди. Миллий цирк санъатимиз, кураш худди минг йиллик чинор каби чуқур илмиз отиб, дунёда ўз нуфузига эга бўлишига ишонч унга қуч-ғайрат бағишлайди.

Холдорали ҚУЛФИДИНОВ

## Кўкламга

Аслини олганда кўклам нафаси илк бор маҳаллаларда сезилди. Баҳор наволари қишлоқлардан бошланди. Қайвони молларимиз, доно мўйсифидларимиз қаҳратон қишининг совуқларини енгиб ерни ёриб чиққан илк майсаларни меҳр билан кўзига суртмоқдалар: «Яратганга сонсаноксиз ҳамд-у санолар бўлсин, яна бир кўкламга етдик!». Шукрона айтайлик, барчамиз баҳорча, сумалка етдик. Сумалак баҳонасида унутилмас дийдорга етдик. Муборак бўлсин!

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда баҳор энг аввал Сурхон воҳасидан бошланди. Бизда бодом гуллагани қачонлар эди. Бугун қир-адирлар яшилди-ка бурканиб улгурди. Дилларда эса бир ажиб чирой, оҳанглар бор.

Вилоятимизнинг кўрғон ва гузарларида кўклам ташивишлари, унутилмас дақиқалар аллақачон бошланиб кетди. Шу кунга қадар маҳаллаларда бевосита бизнинг сазъ-ҳаракатимиз билан 500.000 тупга яқин манзарали, 300.000 тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, 300.000 тупдан ошиқ ҳар хил гуллар экилди.

Қадим-қадимдан халқимизнинг қонига синган бир одат борки, унга бутун олам тан берган. Бу меҳр-мурувват, саховатдир. Қолаверса, 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дея аталishiда ҳам ҳикмат бор. Шу муносабат билан барча маҳалла, қишлоқ фуқаро йиғинларида йиллик тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, хайрли ишлар аллақачон бош-



Наврўз таптаналари юртимизнинг ҳар бир гўшасига, ҳар бир меҳнат жамоасига ўзгача завқ, ўзгача шукўҳ олиб киради.

Суратда: Бўка туман прокуратурасида бўлиб ўтган Наврўз таоми — сумалак пишириш маросими жамоадаги аҳлиқилдан далолатдир.

Кейинги йилларда республикаимизнинг кўпгина жойларида Наврўз йиғинларида афсонавий ва рамзий образлардан ижодий фойдаланила бошланди. Самарқанд вилоятининг айрим туманларида ташкил этилган Наврўз шодиёнасида Баҳорхонимдан ташқари Наврўзжон, Момоёр, Дехонбобо, Пахтаой каби рамзий образлар ҳам иштирок этмоқда. Бундай тантаналарда катнашган кўплаб ўқувчиларнинг онгиди махнатга ижобий муносабат анча эрта шаклланиши шубҳасиз.

## Иштиёқ ва ишонч туйғуси

Ҳали кўкламнинг тафтли кунлари бошланмасданок вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги 1190 та мактабнинг барчасида ободонлаштириш ишлари кўтаринки руҳда бошлаб юборилди, янги ниҳоллар экилди. Насиб бўлса, бу боғлар вақти келиб мева бера бошласи тайин. Асосийси эса ўқувчилар онгидан жой олаётган махнатга иштиёқ ва ишонч туйғуси бўлса керак.

Бу йил вилоятда 35 та мактаб биноси янгидан қурилади, 268 та мактабда капитал реконструкция ишлари давом эттирилади. 600 га яқин мактаб таъмирланади. Айна пайтда ишлар авжида. Мактаб харитаси ҳар бир туман бўйича алоҳида-алоҳида тузиб чиқилди. Мактабларни замонавий лаборатория ускуналари, компьютерлар, дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш бўйича тўб ўзгаришлар юз бермоқда.

Бугун ёшлар учун яратилаётган шaroитни ўтган кундагиси билан қиёслаб бўлмайди. Шундай экан, улар астойдил ўқиб-ўрганишлари керак. Зеро, фақат билимли инсонгина миллатнинг дардида дармон бўлиши мумкин.

Шоҳида НЕЪМАТОВА,  
Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

## Меҳр-оқибат байрами

Наврўз асрлардан асрларга ўтиб келаятган қадимий байрамлардан бири. Бу кунни юртимиз нафақат янги йил, янги кун сифатида, балки уйғониш, яшариш фасли, меҳр-оқибат байрами сифатида ҳам кенг нишонлайди.

Байрам арафасида Беруний туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари М.Каримов билан учрашиб, туманда байрамга қандай тайёргарлик кўрилатгани ҳақида сўради.

— Бу байрам туманимизда ҳар йили ўзгача шукўҳ, янгица кайфият билан кутиб олинади. Ҳар бир ташкилот, корхона, хўжалик, маҳаллада алоҳида тайёргарлик кўрилади. Транспорт қатнови йўлга қўйилади. Маданият саройлари, спорт комплекслари ёшлар ихтиёрига

берилади.

Эрта тонгдан дошқозонларда сумалак пиширилади, қўк сомсалар ёпилади. Янги келинчақлар эрта тонгдан яхши ният билан уйлари атрофини чинидай қилиб сузуриб-сидиришади. Нурунийларимиз пок ниятда дуога қўл очиб элга тинчлик-тотувлик тилайдилар. Шу кунни турлиган чақалоқларга Наврўз, Наврўза деб исм қўядилар. Ўғлимиз паҳлавон йигит бўлсин деб, йигитчаларнинг суннат тўйини ўтказишади.

Байрам айниқса шаҳримиз марказида жойлашган «Наврўз» стадионида авжга чиқиб, бу ерга туманининг барча гўшаларидан, узоқ-яқиндан меҳмонлар тақлиф қилинади. Уйин ва томошалар ташкил этилади. Полвонлар, арқон тортишувчилар, хўроз уриштирувчилар чи-

қиш қилишади. Шетёрхонлик уюштирилади.

2006 йил кириб келиши биланок, ҳокимлик тарафидан махсус гуруҳ ташкил этилди. Гуруҳ аъзолари байрамнинг намунали ўтишига ҳисса қўиши билан бирга кексалар, етим-есир ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олишади, касал ётган кишиларнинг кўнглини кўтариб, ҳол-аҳвол сўрашади. Муҳими, байрам одамларни бир-бирига янада яқинлаштирилади.

Яхисиси Берунийга бир келинг, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Айтадики-ку, минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши деб.

Байрамнинг муборак бўлсин.

«Нуқуқ» муҳбири  
Нуриддин ОКНАЗАРОВ ёзиб олди



Айтадиларки, инсон умрининг баҳори ёшлиқдир, лекин яна бир баҳор борки, у фоний дунёнинг барча одамларига ҳар йили бир марта келади. Кандасиз ва кечикмасдан келади. Бу Наврўздир, бу тўрт фаслнинг сараси, чиройга тўлими бўлган кўкламдир.

Бугун бутун эл кутлуғ ва баракатли байрам — Наврўзи айём арафасида туриб, бир-бирини кутлаётир. Шириндан-ширин сўзлар билан, кўклам таомлари билан бир-бирларини муборакбод этиб турибдилар.

...Қўна манбаларга қараганда, Наврўз байрамнинг тарихи неча минг йилликларга бориб тақаларкан. Айрим маълумотларга кўра, бу

байрам аجدодларимиз томонидан тўрт минг йиллар бурун нишонлана бошлаган. Археологларимиз Шенаробод туманидаги Жарқўтон тарихий ёдгорлигида топилган ноёб осори-атикалар Наврўзнинг она тулпарини кўрсатади дейишмоқда.

## Баҳор, кетма

ғимизда тўрт минг йил аввал ҳам байрам сифатида кутиб олинганини кўрсатади дейишмоқда. Хуллас, барча тарихий манбалар, мутахассисларнинг хулосаси шуни аниқлатмоқдаки, Наврўз халқимизнинг қон-қонига, ҳаёт тарзига чуқур синиб кетган. Бу байрамни миллатимизнинг ёдидан ўчириб ташлашини ҳеч бир имкони йўқлигини



# муртаббар олам!

## етдиқ

лаб юборилди. Бугунгача муҳтожларга 11.000.000 сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 4.000.000 сўм маблағ ҳашардан тушди. Режага биноан ҳар 150-200 оиланинг бирини биттадан соғин ситир берилади. Ҳозирга қадар ҳомийлар кўмагида 200 та оила ситирли бўлди. Йил давомида эса 1000 тадан ошдиқ ситир берилиши кўзда тутилган. Ситир олган оилалардаги қувонччи эса сўз билан ифодаланг қийин, албатта.

Бу йил фақат эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолмаймиз. Бойсун туманидаги 12-меҳрибонлик уйига, шунингдек вилоятдаги мурувват уйларига ҳам ёрдам беришни ният қилганмиз. Ёлғиз кишиларнинг таъмирталаб уйлари тuzатиб берамиз. Хуллас,

воҳамизнинг қўли очик, талбиркор кишиларининг ҳомийлигида жамғарилган 15.000.000 сўм маблағ шундай хайрли ишларга сарфланади.

Режамизга кўра, бу йилги Наврўз тантаналари 21 мартга қадар вилоятимиздаги барча маҳаллаларда оммавий равишда бўлиб ўтади. Аслини олганда қадимий ва навқирон байрам шодиёнлари аллақачон бошланиб кетган. Шу кунларда тарихий обидалар ва қабристонларни ободонлаштириш ишлари кета-япти. Наврўз одамларни ана шундай эзгу ишлар йўлида бирлаштирадиган байрамдир.

Эркин КҲЧИНОВ,  
«Маҳалла» жамғармаси  
Сурхондарё вилоят бўлими  
бошқарувининг раиси

## Фермер, бу сенинг баҳоринг!

Яна юртимиз далаларига рангинлик, янгилашни ва яшариш нафаси уфурга бошлади. Дов-дарахтлар куртаклари тўлишиб, новдалар бирин-кетин гуллашни бошлаяпти.

Гарчанд, табиатнинг ҳар йилги фасли такрорланаётган бўлса-да, бу фасл яратувчанлик шаҳри билан енг шимараётган фермерларнинг чинакам равиш йўлидаги илк баҳори бўлди десак, янгишмаймиз.

Кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ишловлар бугунги куннинг энг муҳим воқеалиги айлини бормоқда. Ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил этиш жараёни авж паллага кирди. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган Тойлоқ туманида мевазорларни меҳнати сингган, ер тилини яхши тўшунган мулкдорлар ихтиёрига бўлиб бериш ишлари поёнига етаяпти.

Шу кунларда барча диққат-эътибор туманда ҳукуматнинг маъмур соҳага дахлдор фармойиш ва қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган.

Тойлоқда 140.000 дан ортиқ аҳоли бўлиб, деҳқонлар ихтиёрида 5400 гектар галлазор, 2500 гектар узумзор ва 507 гектардан ошдиқ олмазор ва ўрикзор боғлар мавжуд. Унта ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги боғбонлар ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Ҳар бир ширкат ҳўсобидаги барча техника, иншоот ва биноларни, мол-мулкларни қайта хатловдан ўтказиш қатъий назорат остига олинган. Ҳокимнинг 2004 — 2005-йиллар давомида тумандаги ширкатлар ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил этиш ва қўшимча ер ажратиш тўғрисида қабул қилган барча қарорлари прокуратура томонидан ўрганилиб, шундан 39 таси бекор қилинган.

Бир сўз билан айтганда, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Боғларга эгаликни қўлга киритган билан ўйланган ҳосил мўл-қўлиги таъминланиб қолмайди. Деҳқонларимиз аввало ерга, касб-ҳорига қалб кўри-ю меҳрини беришлари лозим. Шундай қилинса, ҳеч бир умидвор деҳқон кўзда бармоқ тиллаб қолмайди. Баҳорингиз, янги кун, янги одимларингиз муборак бўлсин, азиз фермерлар!

Умир ТҲХТАМИШЕВ, Тойлоқ туман прокурори



ўтган йилги мармачи асрдаги воқеалар кўрсатди. Яъни соҳиб совет тузуми Наврўзни халқ онгидан батамом ўчириб ташлашга қатъий ҳужуқ қилди. Соҳиб мафқола малайхали Наврўзни байрам сифатида қутиб олган

## бизнинг боғлардан...

одамларни қатағон қилдилар. Бундай гурбатли кунлар роса етмиш йил давом этди. Бирок Наврўзни халқ ёдидадан ҳам олмадилар. Демак, қалбдан жой олган нимаики бўлса, уни ҳеч қачон сўпириб ҳам ўчириб ҳам бўлмааскан.

Бир нарсга ҳажикатки, Ўзбекистон мустақиллиги Наврўзни халққа қайтариб берди, уни эъзога мушар-

раф қилди. Англамоқ керак, Наврўз шунчаки кўн сомса ёйдиган мавсум ёки сумалакка айёми эмас. Бу каби таомлар Наврўз айёмининг шунчаки қисми эмас.

Бугун юртимизнинг қайси маҳалласига, кўрғонига борманг, ширин ташкиллар аро юрган ёруғ юзли одамларни кўрасиз. Бу шундай байрамки, ҳар қандай тунд одэмни ҳам

Каранг, яна кўкламга-баҳорга етишдик, иншооллох! Кишининг аёзли чилласи тугаб, замин бағрини ям-яшил майсалар тўлдирди бошлади. Дов-дарахтлар галма-гал гулга бурканди. Рангин кўкламнинг кўркидан кўзинг қамашади, ҳавосидан баҳри дилинг очилади.

Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд. Масалан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида янги йил (Наврўз)нинг вужудга келиши шох Жамшид номи билан боғланади. Лекин Наврўз доно аждодларимиз томонидан кашф қилинган тайин. Негаки, бу байрамнинг вужудга келиши ҳар томонлама илмий асосланган. Яъни кўшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг баробар бўлиши, кундузнинг узая болаши, табиатда жонланиш, уйғонининг бошланиши баҳорнинг келишидан дарақдир. Нима бўлганда ҳам йилбоши ҳисобланувчи Наврўз миллатимизнинг чина-



Кўкинг билан кийинтирай даламни, Оёқлағ суюнтирай боламни. Узинг оғлим кўксимдаги аламини, Кўкламоим, кўкингдан бер бир чимдим.

Яқинда менга Дуоба кишлоғида бўлиб ўтган, ниҳоятда пухта ўйланган сценарий асосидаги Наврўз тадбирида қатнашиш насиб этди. Шукҳули байрам тантанасига икки кишлоқ аҳли кўчама-кўча, гузарма-гузар бўлишиб, саф тортиб келишарди. Аввалида созаанда-ю раққосалар, кетидан ял-ял атлас кийган келинчақлар, улар ортидан бутун аҳоли жам бўлиб етиб келишди.

# Кўкларингизни кўзга сурай, кўкламоим

кам шохона байрами бўлиб қолаверади.

«Яхши келса хут — қорон тўла сут» дейишган қадим-қадимдан халқларимиз. Дарҳақиқат, ёгин-сочин мўллиги ҳозир ҳам ўт-ўланлар, дон-дун, яъни ризк-рўзимиз бисёрлигиндан нишонандир. Шукроналар бўлсинки, бу бордада камимиз йўқ.

Наврўз байрамини нишонлаш арафасида одатга кўра халқларимиз дошқозонларни тўлдириб сумалак, ҳалим, гўжа сингари тансиқ таомлар тайёрлашади. Дастурхонларга ўт-ўланлардан кўк сомса, пичак, чучува каби эл соғинган таомлар тортилади.

Бу бордада сумалак баъзининг гашти бошқаларидан анча фарқ қилади. Негаки, асосан аёллар иштирокида тайёрланадиган ушбу тансиқ таом алоҳида кўнгилхўшлик билан давом эттирилади.

**Соҳида тодан жамалак, Кўзгайди қизлар сумалак. Сени кўмсар ер-у фалак, Кел, Наврўзим, кел, набаҳор!**

Сумалак тайёрлаш жараёни ўз-ўзидан оммавий маросимга айлиниб кетади.

Қиз-қувонлар гоҳи ҳикоя, латифа, ривоятлар айтиши, гоҳида базм-у жамшид уюштиришган. Сумалак сайлида ҳазил-мутойиба, ўйин-кулгу авж нуқталарига етиб боради.

**Соҳида оқ, мен баҳордан ўтиндим, Кўкламоим, кўкингдан бер бир чимдим. Қор қўйида сени кўмсаб ўқиндим, Кўкламоим, кўкингдан бер бир чимдим.**

Жори ҳайъати тўкин дастурхонларда юздан ортиқ турдаги таом ва пишириқлар жамланганини алоҳида қайд этишди.

Кейинги пайтларда шундай катта, аънанавий байрамни айрим жойларда «бўлақлаб» ўтказишга ҳам уринишлар йўқ эмас. Кетган арзимас сарфини чўтга солиб, таомни бегона қилмаслик мақсадида сулола ёхуд беш-ўн ҳўжалик бўлиб сермасаллик дастурхон атрофида йиғилишни афзал кўрувчилар бор. Наҳотки гап таомда бўлса? Тўйиш, қониш каби иборалар мазмунида аввало инсонлар дийдори бош ўринга қўйилса, бунинг нимаси ёмон?

Аҳиллик ва бирдамлигимизга кўз тегмасин. Тан олиб айтганда, бу байрам деҳқонлар ҳаётидаги энг муҳим воқеа, янги меҳнат мавсумига киришиш жараёнидир. «Далага кўш чиқариш», «Экин сайли», «Кўш оши» каби тадбирлар кўтаринчилиги ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Ҳар бир ҳовли ва гузарда ниҳоллар экилиб, далаларда экин-тикин бошланади. Янги меҳнат мавсумидаги бу сай-ҳаракатлар мўл-қўл ҳосил, фарвон турмуш учун солинган ишончли пойдеворни эслатади.

Юртимизда баҳор баҳорларга, байрам байрамларга уланаверсин. Халқимизнинг орзулари пешма-пеш ижобат бўлаверсин.

Мансур АЛОВУДИНОВ,

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## Дилларга жо айлаб Наврўз шуқуҳин...

Баҳорга ташна бўлмаган дил, интиқ бўлмаган кўнгил бўлмаса керак. Айниқса, бизнинг шарқ учун баҳорингиз азалдан ўзгача маъноси, сеҳр-у жозибаси, фойиз-у таровати борки, бу нурнинг зулматдан, эзгуликнинг ёвузликдан устулиги рамзи сифатида алоҳида аҳамият касб этиб келган.

Йилбоши бўлган Наврўзда жамиятгина эмас, табиат ҳам байрамона либосга бурканади — дов-дарахтлар уйғониб, гулчамбардан баргак тақади, борлик ясанеди. Деҳқон даласига уруғ экади, боғбон дов-дарахтларга шакл беради, чорвадор сурувларини яйлорга ҳайдайди. Шу боис ҳам байрам табиат қўйида, боғлар, қир-адирлар, хемгиликлар кўчмоқда.

Ўтган йили барча ҳаётда уйланган ютуқларга эришган Наманган аҳоли бу йилги Наврўзни ўзгача руҳ билан қарши олди. Ҳали далалардан қор кетмай ободончилик ишлари бошлаб юборилди.

Наврўз — меҳр-оқибат, мурувват, қадр-қиммат байрами. Шу боис қабристонларни зийрат қилиш, бемор, қария ва етимларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш бўйича режалар тuzилиб,

бу ишларга ҳам алоҳида эътибор қилинган.

Наврўзни дўстлик, биродарлик, гина-қудуратни ўнатиш, мурувват билан байрами ҳам дейиш мумкин. Унда барча миллат вакиллари иштирок этиши лозим. Чунки бу ҳақида норматив ҳужжат ҳам мавжуд бўлиб, 21 март 1966 йилдан буён БМТ Бош ассамблеясининг қарорига мувофиқ «Халқаро ирқий камситишларни тугатиш учун кураш кўни» сифатида нишонланмоқда. Шундан келиб чиқиб, ушбу байрамни вайронкор гоғлар ҳисобланмиш ирқчилик, миллий ва диний нозларга қарши ҳамдўстлик, биродарлик, толерантлик сингари бунёдкор гоғлар тантанаси кўни дейиш мумкин. Биз шуларга ҳам катта эътибор қаратмоқдамиз.

Машраб номли боғда катта сайил уюштирилади. Наврўз шуқуҳи нафақат маҳалла, кўча ва оилага, балки ҳар бир қалбга кириб боради.

Зўбиддин МАНСУРОВ,

Республика маънавият ва маърифат маркази Наманган вилоят бўлимининг раҳбари

# Эврили келибсан, мархаб, Наврӯз!

## Боз ўлди боҳордин гулафшон!

Ўзбекистонга баҳор келди. Сени қанчалар оряқиб кутдим, буйларингдан ўргилай, Наврӯз! Март кўши қатма-қат қор ва музликларга тафт берадкан, оби зилолга айланиб, ирмоқларда чулдираб оқдинг. Тонгги сабо бўлиб далаларда кездинг, мудраб ётган тупроқни уйғотдинг. Севалаб ўтган ёмғир ортидан самонинг белига камалақдан белбоғ боғладинг.

Ариқлар қошига ўсмаври тортдинг, ялғизларни маржондай тиздинг, ҳаммаёқни ясантирддинг, ҳаётга, меҳнатга бўлган иштиёқни кўзаб юбординг. Сен ана шундай уйғониш фаслининг мумтоз ва кўнглиночар байрамисан!

Умирбоқий асарлари билан адабиётимиз хазинасини бойитган Махмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Умар Хайём, Лутфий, Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва бошқа юзлаб сўз санъатининг пири комиллари Наврӯзни кутлаш учун саф тортиб турибдилар.

Ана, олимлар, шоир-у бахшилар, ҳофиз-у машоқлар сафида турган Алишер Навоий салмоқли қадамлар билан олдинга чиқади.

**Хар тунинг Қадр ўлубон,**  
**Хар кунинг ўласин Наврӯз...**

Устога ҳамма қўл қовуштириб, таъзим бажо қилади.

**Бу дамки эсиб насими Наврӯз,**  
**Гул атрини қилади мажлисафрўз.**  
**Боғ ўлди боҳордин гулафшон,**  
**Сунбул бу гул уза коқулафшон.**

**Бу фаслда азми гулашан этгай,**  
**Бўстон ҳарамини маскан этгай.**  
**Бор онинг учунки шод бўлгай,**  
**Хар бандига бир қушод бўлгай.**

**Мана сенга олам-олам гул,**  
**Этасинга сиққанича ол.**  
**Бунда толе ҳар парсадан мўл,**  
**То ўзгунча шу ўлкада қол.**

Эгнига яқтак, бошига кўк бахмал дўппи кийган хушқомат Қодирийнинг ташрифи нафис мажлис аҳлини беҳад қувонтириб юборди.

— Азизлар, — дея сўз бошлайди Қодирий. — Бу қутлуг айёмда мирзо Анвар билан Раъно мулла Солиҳ Маҳдум қизининг никоҳ тўйини ўтказмоқчимиз. Мана, даврамизда мирзо Анвар ҳам бор. У бугун айни тўйга рухсат берилган кун этиб келганини айтмоқчи.

Мирзо Анвар ўртага чиқади.  
— Минг бора қуллук. Илло Раъно тўйимизнинг кўкламда бўлишини айтиб эди. Мана, ўша фасл этиб келди. «Ерлар кўк гиламлар билан безалганда, ҳар тарафини бинафша чечаклар босганда, кушлар уя қайғусини чекканда биз ҳам тўй қилармиз...» дегандим. Шундайми, Раъно?

Қизлар даврасида келинлик либосига ўралган Раъно ўртага чиқади ва таъзим билан қўлини кўксига қўйиб, тасдиқ ишорасини қилади.

Карнай-сурнай садолари янграйди, шаҳар ва қишлоқ, овул ва гузарлардан катта сайилгоҳга оқиб келаётган ёш-у қари, қиз-у жувон, бола-бақранинг қувноқ қаҳқаҳалари борлиқни тутади. Доира ва дўмбираларнинг овози олисолиларга таралади.

Ҳа, бу байрам моҳиятан миллий байрамдир.

**Бўларингдан ўргилай, Наврӯз!**  
**Мунаввар Наврӯз тонги отмоқда.**  
Дарвозаларни ланг очиб қўйдим. Элчи шабадалар, карнай-сурнай наволари барчани базмга чорляпти.

Азиз юртдошим! Янги кун, янги йилда эзгу ниятлар юрагингизни тўлдирсин. Яхшилик, эзгулик, саҳийлик уруғлари ўнсин, мевасидан баҳраманд бўлайлик. Эртამиз нури, осмонимиз мусаффо бўлсин. Хонадонимиздан қутбарока аримасин, меҳр-мурувват зиёда бўлсин.

**Абдулаҳад ўРМОНОВ,**  
**«Асака оқшоми» газетаси муҳбири**

## Баҳор муборак!

*Бойчечак уйғонар қиш кўрасида,  
Камалак тўлғанар тонг шарпасида,  
Бир илинж-чўғ ёнар дил пардасида,  
Кўклам қизларига дийдор муборак,  
Гиёҳ-майсаларга баҳор муборак!*

*Урик гулларида келинчак либос,  
Қизгалдоқ қимтинлар — лаблари гилос,  
Бўтакўз буй чўзар — кўзлари чарос,  
Соғинч қарашларга гулзор муборак,  
Ул чилвир сочларга баҳор муборак!*

*Қиқирлаб юғулар қизлар басма-бас,  
Бахшилар ўладини жирлар басма-бас,  
Шукрона айтади ҳар жон, ҳар нафас,  
Шу азиз тупроққа ул ёр муборак,  
Ул чашми қароққа баҳор муборак!*

*Шаррос ёмғир ёғар — эҳсони фалак,  
Ташвишинг муборак, эй жони ҳалак,  
Энди дошқозонда қайнар сумалак,  
Гўдакка жиламайган рафтор муборак,  
Юракка роз айтган баҳор муборак!*

*Қалдирғоч иш қўрмиш, эй дўст, ўйингдан,  
Йигитлар сархушир қизлар бўйидан,  
Сизга бу хушнома Ватан тўйидан,  
Наврӯзни кўмсаган шқорор муборак,  
Юртим, боғларингга баҳор муборак!  
Исматулла Йўлдошев,  
хуқуқшунос*



## Кўклам инган кенгликлар

Юрагимда уммон қадар туйғуларнинг тугёни,  
Кўклам инган кенгликларга қараб тўймас кўзларим.  
Кўклам ҳиди анқиб турган нурдай тоза дунёни  
Бу дам дилдан олқишлагим, кучгим келар, дўстларим.

Турналар гоҳ тизилишиб, гоҳ кенг давра қуриб,  
Баҳор билан кутлаш учун бизнинг юрта қайтмоқда.  
Қалдирғочлар парвоз этар тошқин сайта тўш уриб,  
Чумчуқчалар куртакларга мадҳиялар айтмоқда.

Ҳадемай тоғ бағри бизни сайрга чорлаб қолар,  
Қирлар барқут гилам каби тўкилмаган оҳори.  
Саҳий кўёш кундан-кунга кучга тўлиб боради,  
Тугилмоқда деҳқон юртим — Ўзбекистон баҳори.

Баҳор фасли гўдак янглиғ кўзин очди, дўстгинам,  
Унинг васли қўйди бу дам ер-у кўкни сергақлаб.

Аъмолингга посбон бўлай, бор бўлай деб ўзгинам,  
Деҳқон халқим она каби олаётир йўрғақлаб.

Бўй чўзганча йўрғақдаги шу жажжи гўдак қалди,  
Ушалгунча бу кун халқим дилга туккан режалар,  
Бахш этилар ҳали қанча қайноқ юраклар тафти,  
Бедор тонгга улангандай ҳали қанча кечалар.

Далаларда иш қайнайди...  
Дилда эзгу тилагим:  
Она халқим толиқиш, ғам, ўкинч билмасин сира.  
Истиқболнинг порлоқ бўлсин.

Қалдинг тоғдай мағрур турсин,  
бахторинга, гўдагим,  
бахтинг бўлсин бокира.  
**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

## Хуш кўрдик, кўкламтойим!

*Саболарнинг гунчага изҳорида сеҳр бор,  
Жилгалар кулгусида болага хос меҳр бор,  
Кўшчалар чуғурида ажиб илоҳий сир бор,  
Хуш кўрдик, кўкламтойим,  
Қадаминг қутлуг, Наврӯз!*

*Қатрада жилоланар турфа рангли камалак,  
Қирқ кокилли қизларга зeb бўлади жамалак,  
Дошқозонда қайнайди тотли таом сумалак,  
Хуш кўрдик, кўкламтойим,  
Қадаминг қутлуг, Наврӯз!*

*Булоқларнинг кўзида қулишингдан ўргилай,  
Эзгуликка эш бўлиб келишингдан ўргилай,  
Файз-у баракат бўлиб тўлишингдан ўргилай,  
Хуш кўрдик, кўкламтойим,  
Қадаминг қутлуг, Наврӯз!*

Моҳира ШАКАРОВА

## Баҳорни кўмсаиш

Ташвишлардан чарчадим, толдим,  
Кўнглимга тоғ ишқини солдим.  
Билсанг, оҳу изини олдим,  
Юр, журажон, тоққа чиқамиз!

Этга селип зeb-у зирани,  
Ўрнатамиз кабоқжўрани.  
Сийлашамиз жўра-жўрани,  
Юр, журажон, тоққа чиқамиз!

Тўшам тўтиб майса-ўтларни,  
Кузатамиз оқ булултарни.  
Ичсақ дармон, қатиқ-сутларни,  
Юр, журажон, тоққа чиқамиз!

Шомда сой бўйига жўнаймиз,  
Балки ўша ерда тунаймиз.  
Маржон юлдузларни санаймиз,  
Юр, журажон, тоққа чиқамиз!

Мансур ЗОИР

## Хар ўғоқда сумалак

Файзу тароват билан айлаб дилларни шодон,  
Авжи баҳорда ҳар йил Наврӯз бўлар намён.

Бу йил яна эзгулик, бунёдкорликка чорлаб,  
Ташриф буюрди Наврӯз бўлиб ардоқли меҳмон.

Баҳра олиб Наврӯзнинг тафтидан боғ-у роғлар,  
Бошдан-оёқ бурканди турфа гулларга ҳар ён.

Халқим каби етилган ерга уруғ экиш-чун  
Даласига шошилди тонг отмай бободехқон.


Кўм-кўк майсазор қирлар бағрида чўпон-чўлик  
Чорвасини яйдатади эртадан юмб-жовон.

Бутун борлик, мавжудот баҳор гашти-ла уйғоқ,  
Ҳатто сайроқи булбул бугун ўзгача хушхон.

Ошиқларнинг ибони чин аҳд-у паймонлари  
Ишқ ёлқини акс этган нигоҳларидан аён.

Сен туйфаили ҳар кўча, маҳаллада тўй бугун,  
Ҳар ўчоқда сумалак лим-лим тўла дошқозон.

Исомиддин дер: «Наврӯз, хуш келибсан, мархабо,  
Мадҳинг қуйласам-да оз,  
ёзиб минглаб шеър, дoston».



Исомиддин ЖУМАЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими







6

21 Mart, 2006-yil

# Бурчли аниглаш саботи

**Фуқаро И. Курбанов** Миробод тумани Афросиёб кўчаси 23-уй 36-хонадонга келиб, шу ерда яшовчи А.Шариповага 5000 АҚШ долларини ноқонуний равишда 6.375.000 сўмга сотган вақтда ушланди. Ундан хорижий валюта вақтинча олиб қўйилган.

Бойсун туманидаги «Дарбанд» постда Узун-Тошкент йўналишида кетаётган 30 D 06-31 номерли

## СВОЖЖК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«Магирсудайгивека» автобуси тўхтаб тегирилганда хайдовчи М.Абдурахмонов Ойбек исми таниши билан чет элда ишлаб чиқарилган, акция маркаси 800.000 сўмлик 1600 қўти сигаретларни сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқланган ва махсулот далилий ашё сифатида олинган.

«Халқ банки»нинг Боғот туман Хўжалик қишлоғида жойлашган шахобчасида газначи бўлиб ишлаб келган У.Аллаберганов К.Божионовнинг омонат дафтрасига қўйилган 2.500.000 сўм жамгармаси ва табиий газ учун тўлган 100.000 сўм пулини, шунингдек, 13 та фуқаронинг коммунал тўловлар учун топширган 285.000 сўмини, жами 2.885.000 сўм пулни банк заҳисасига кириш қилмасдан ўзлаштирган.

Самарқанд шаҳридаги «Агрорасаноат» КТХИЧФ раҳбари Р.Холмуродов «Узсанотқурилишбанк»нинг «Амир Темур» филиалидан олган 300.000.000 сўм кредитини ҳозирги кунга қадар қайтармасдан, талон-тарож қилган.

Тошкент шаҳар Юнусobod тумани 11-мавзе 52-уй 19-хонадонда яшовчи М.Рашидова Қозоғистонда ишлаб чиқарилган ҳеч қандай ҳужжатсиз 39 литр спиртни О.Нуриддиновага 70.000 сўмга сотаётган вақтда ушланган.

Қибрай туманида «Тошкент — Чирчиқ» йўналиши бўйича А.Каримов бошқариб бораётган 10 G 37-58 номерли «КамАЗ» машинаси тўхтаб тегирилганда, унинг юкхонасида 15 тонна шакар борлиги аниқланган. Хайдовчидан юк ҳужжатлари талаб қилинганда, у шакарни Чирчиққа олиб кетаётганини маълум қилиб, «Шакар инвестмент» қўшма корхонаси ва Андижондаги «Савдо-плюс-барак» корхонаси ўртасида тузилган шартномани тартиб этган. Тегирилганда «Савдо-плюс-барак» 2005 йилнинг 1 апрел кунги фаолиятини тўхтатганлиги аниқланган.

«Фортун» тўхтаб тегирилганда, унинг юкхонасида 15 тонна шакар борлиги аниқланган. Хайдовчидан юк ҳужжатлари талаб қилинганда, у шакарни Чирчиққа олиб кетаётганини маълум қилиб, «Шакар инвестмент» қўшма корхонаси ва Андижондаги «Савдо-плюс-барак» корхонаси ўртасида тузилган шартномани тартиб этган. Тегирилганда «Савдо-плюс-барак» 2005 йилнинг 1 апрел кунги фаолиятини тўхтатганлиги аниқланган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш даврида қонунийлик масалаларига жиддий эътибор бериш талаб этилади. Юртимизда инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифани, айниқса фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни муваффақиятли адо этиш энг аввало қадрларга боғлиқ. Бунг мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга ошириладиган бир даврда, конституциявий институт ҳисобланган прокуратура органлари ҳодимлари зиммасида қандай вазифалар турибди? Давр талабидан келиб чиқиб,

истиклол йилларида прокуратура органларини касбига содиқ, ҳалол ва иқтидорли ходимлар билан тўлдирish борасида кўп ишлар қилинди. Бунинг натижасида хизмат вазифини виждонан баҳараётган ходимлар сони кўпайиб кетди. «Прокуратура тўғрисида» қонунининг 2-моддасида «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат» деб белгилаб қўйилган. Мана шундай масъулиятли вазифаларни

амалга ошириш ҳар бир прокуратура ҳодимидан ватанпарварлик, халқчиллик, ҳолислик каби юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлишни талаб этади. Ватанпарварлик ватан олдидаги бурчни аниглаш ва унга сардоқатдир. Инсоннинг маънавий қиёфасини мана шу мезон белгилайди. Умуман, келажаги буюқ давлатни йимон-эътиқодида собит, ватанпарвар, касбига содиқ, сиёсий ва ҳуқуқий онги юксак инсонлар барпо этади. Шу боисдан фуқаролар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатда рўй бераётган янгиланишларнинг қўлимини кенгайтиришда ҳуқуқий савдоҳонликнинг ўрни беқийсдир. Мана шу жараёндан прокуратура ҳодими ҳам четда қолмаслиги керак.

Яна бир жиҳат: прокуратура ҳодимининг маънавий қиёфасини белгиловчи мезонлардан бири унинг ахлоқ-одобидир. «Ахлоқли киши ким?» деган саволга жавобан «Ахлоқсизлик қила олмаган киши» деган экан донишмандлардан бири. Фаолиятида, турмуш тарзида ахлоқ қоидаларидан четга чиқмаслик, ҳар қандай ҳолатда виждон амри билан иш тутиш ҳар бир ҳодимга фақатгина обрў-эътибор олиб келади. Миллий истиқлол ғоясининг асосий талабларидан бири комил инсонни тарбиялашдан иборат экан, мақсадиниз шуки, прокуратура органлари ҳодимлари сафида қолмаликка интилганлар сони ортаверсин.

Рустам РАҲИМОВ,  
Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Наманган вилоят прокуратурасига Наманган шаҳридаги «Тунги ёғду» бозорида айрим кишилар наркотик моддалар билан савдо қилаётгани ҳақида хабар тушди. Зудлик билан ИИБ тезкор ходимлари жалб этилган ҳолда «Қорадори» операциясини ўтказишга қарор қилинди. Холис сифатида фуқаро Расулжон Муродуллоев тақлиф этилиб, амалдаги қонун-қоидалар тушуниришда ва махсус ишлов берилган пул билан наркотик модда сотиб олиш учун бозорга юборилди.

## «Қорадори» операцияси

«Тунги ёғду» ҳар галгидек гавжум. Сотувчи ҳам, харидор ҳам ўз юмуси билан банд. Лекин бозорда одамлар қўлгилган фойдаланиб, ноқонуний йўллар билан кўпмайд даромад орттириш ниятидаги кимсалар ҳам йўқ эмас. Тадбиркор нарқоби остида бу ерда фаолият юритаётган Нодира Низомибоева шундайлардан бири бўлиб қолди. У 4 та ялтироқ қорозга ўралган наркотик моддани Р.Муродуллоевга сотиб, олган пулини суммасига жойлаши биланок рўпарасида тезкор ходимлар пайдо бўлганини кўриб шошиб қолди. Узини ҳар томонга ташлади: ёнидаги 18 та ялтироқ қорозга ўралган наркотик моддани ерга ташлаб қочишга ҳам уриниб қўрди, лекин ҳаммаси зое

кетди. Унинг барча хатти-ҳаракати ҳолислар иштирокида расмийлаштирилди. Шунингдек, шу ернинг ўзини даёқ Н.Низомибоевнинг суммасидан кимёвий ашёда ишлов берилган пул далилий ашё сифатида олинди. Хўш, Нодира Низомибоева ким ўзи? Қандай қилиб бу йўлга кириб қолди? Н.Низомибоева 1972 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Шу ерда яшайди. Оилали, битта фарзанди бор. 1998 йилда Наманган шаҳар судининг ҳукми билан ЖКнинг бир нечта моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганини учун 13 йилга озодликдан маҳрум этилган. 2001 йили амнистия тўғрисидаги фармонга асосан жазонинг ўтالمай қолган қисмидан озод этилган бўлса-

да, судланганик ҳолати тўғалланмаган. Кўриниб турибдики, Н.Низомибоева бундан тўри хулоса чиқариш, берилган имкониятдан фойдаланиб, фарзандининг тарбияси билан шуғулланиш ўрнига яна жиноятга қўл урди. Суджараёнида айбига тўла иқрор

Суджараёнида айбига тўла иқрор

бўлган Н.Низомибоева қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, оилавий шароити оғирлиги, вояга етмаган фарзанди борлиги учун суд ҳайъатидан жазони енгиллатишни сўради. Афсуски, сўнги пушаймондан фойда йўқ. Суд унга қилмишига яраша жазо тайинлади. Қилмиш-қидирмиш деб шунга айтдилар-да. Кимки эгри йўллар билан бойлик орттириш мақсадида жиноятқўл урар экан, албатта қонун олдида жавоб беради. Айниқса, текин даромад илинжида наркотик моддалар савдоси билан шуғулланса Н.Низомибоевнинг кўни бугунга шуши аниқ. Абдуҳошим МАДАТОВ,  
«Huquq» муҳбири

## Миннатдорчилик

Ўзбекистон Президентини ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни амалга оширишда қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланishi учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлар қабул қилинган. Бирок айрим мансabdорлар бу муҳим масалаларга маъсулиятсизлик билан қараётган ҳоллар учраб турибди. Муддатга ўтган қардорликнинг бартарф этилмаслиги эса қорхоналарнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир қўراتиб, ҳодимларга иш ҳақи ўз вақтида тўланмай қоллишига сабаб бўлмоқда. Сурхондарё вилоят прокуратурасига ўтган йилнинг охирида Фаргона нефтини қайта ишлаш заводи маъмурияти вилоятдаги нефт қорхоналарининг дебиторлик қарзини қамайтиришга ёрдам кўрсатиш ҳақида мурожаат қилган. Шундан сўнг бу борадаги ахвол атрофида ўрганиб чиқилган. «Термиз нефт базиси» унитар қорхонасининг заводдан 2005 йил 1 ноябргача кредиторлик қарзи 3.811.600.000 сўмини, «Денов нефт базиси» унитар қорхонасининг 8 ноябргача кредиторлик қарзи 1.139.500.000 сўмини ташкил этган. Шунга қарамай улар қарзини тўлаш чорасини кўришмаган. Маскур ҳолат бўйича вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан «Термиз нефт базиси» директори Б.Жумаев ва бош ҳисобчиси А.Юсуповга, «Денов нефт базиси» директори Б.Янгибоев ва бош ҳисобчиси Ш.Насриддиновга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Шундай салб-ҳаракатлар натижасида бу борадаги қардорлик кескин қамайишига эришилди. Яқинда шу масала юзасидан қуйидаги маннатдорчилик хати олинди: «Сурхондарё вилоят прокурори Т.Жаҳоншиевга. Фаргона нефтини қайта ишлаш заводи сизга «Термиз нефт базиси» унитар қорхонасининг 2005 йил 1 сентябргача бўлган, муддатга ўтган 814.400.000 сўм дебиторлик қарзини ундиришга ёрдам беришигизни сўраб мурожаат қилган эди. Сурхондарё вилоят прокуратураси раҳбариятининг ушбу масалани ҳал қилишга билан ёндашгани билан миннатдорчилик билан ташаккур айтишимиз. Фаргона нефтини қайта ишлаш заводи жамлоаси солидан сизга ёрдамнингиз учун миннатдорчилик билдиришимиз ва ишларингизга муваффақият тилаймиз. М.ЭРГАШЕВ, Фаргона НКМЗ директори». Қурбан ЖўРНАЗАРОВ,  
«Huquq» муҳбири


## Ўзбекистоннинг ўз қарашини бор

Ҳозир шундай даврки, катта сиёсат саҳнида кечаётган ҳар бир жараён дунёдаги барча мамлакатларга у ёки бу даражада дахлдордир. Бунга айрим йирик давлатлар юритаётган «демократияни экспорт қилиш» сиёсатини мисол сифатида келтириш мумкин. Ўтган жума кунини Республика Бош прокуратурасида Ўзбекистон президенти ҳузурдаги давлат ва жамият қурилиши академияси ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Қўеимиддин Назаров билан марказий маҳкама ҳамда Бош прокуратура ҳузурдаги Қонунчилик муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мулоқотда шу мавзу ҳақида сўз борди. Ийилганларга ҳақондаги йирик давлатлар, хусусан АҚШ юритаётган сиёсат, «демократия экспортининг тарихи ҳақида» сўзлашган профессор К.Назаров бу борада мамлакатимизнинг ўз нуктаи-назари мавжудлигини эслатиб ўтди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали таърифта Президентимизнинг йиғилишида сўзлаган нуктаи-назари билан Ислам Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизда демократия умуминсоний қадриятлар билан бирга халқимизнинг миллий ҳусоият ва аъёнларига асосланганлик керак. Фарқ давлатлари юритаётган «демократияни экспорт қилиш» сиёсати собиқ СССРнинг «коммунизмни экспорт қилиш» сиёсатига ҳамоҳангдир. Бу нимага олиб келганини инсоният яхши билади. Мулоқотни Бош прокуратура ҳузурдаги Қонунчилик муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Эркин Абзалов бошқариб борди. Худойберди НОРҚОБИЛОВ,  
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

Бухоро туман прокуратураси ходимлари аҳолининг электр энергияси ва газ тўловлари бўйича қардорлигини аниқлаш ва бартарф этиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисларни жалб қилган ҳолда бир қатор тегиришлар ўтказди. Уларда туманининг Истиклол, Работикалмоқ кишлоқлари, «Мустақиллик» ва «Тор-мор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли рўзгорда газ ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини қўпол равишда бузганлиги аниқланди.

## Малол келмасин

Жумладан, Сарҳанг қишлоғида яшовчи Ф.Орипов, О.Бақоев, Р.Рўзиев, И.Жўраевлар фойдаланилган газ ва электр энергияси ҳақини тўламаслик учун аҳолини газ билан таъминловчи магистрал қувур тармоқларида рухсатсиз улашишда ва уйда ўрнатилган тандирда газдан фойдаланишди. Бундай ўзбосимчилик сқибатида туман газ қорхонасига уларнинг ҳар бири 144.113 сўмдан, электр таъминоти қорхонасига эса 8536 сўмдан 17.112 сўмгача зарар етказилган. Буни қарангки, улар исокилик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини қўпол равишда бузиб, уйларига ўрнатилган электр ҳисоблагичнинг тамғасини бузиб фойдаланиб келишган. Галаасиёй шаҳар ибн Сино номли кўчада яшовчи Гулмурод Турдиев ҳам олтмиш ёшда. Эл ичида уни кўпчилик ҳурмат қилади. Узидан ёшларга ўрнатилган газ ва электр тармоқларида панд-насиҳат қилиш унга ҳам фарз, ҳам қарз. Қўлни кўрган ана шундай одам қинғир ишга қўл урса, бу қандай ноинсофлик?! У уялмай-нетмай электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига зид тарзда электр ҳисоблагичнинг тамғасини бузиб, хоҳлаганга фойдаланиб келган. Туман прокуратураси фуқароларнинг бундай хатти-ҳаракатларида МЖТКнинг тегишли моддалари бўйича ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлигини аниқлаб, улар устидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатди. Ибодулла ОДИНАЕВ,  
Бухоро тумани прокурорининг ёрдамчиси



# БЕРУНИЙ «ЁҒГАР»

**очиқ турдаги акционерлик жамияти**

*Халқимизни уйғониши ва яшарини  
фасли — Наврӯз айёми билан самимий  
муҳаббатқод этади.*

*Наврӯзи олам тортишимизга қут-баракка,  
шунчалик-осойишталик олиб келсин.  
Осмошимиз мусаффо, дастурхонимиз  
тўйин бўлсин!*

**320 дан зиёд киши меҳнат қилаётган корхона  
жамоаси тортдошларимизга соғлиқ тилаб, ўзининг  
қадокланган, сифатли ёғларини тақдир этади.  
Бизда ишлаб чиқарилган аъло сифатли маҳсулотлар  
сизларга манзур бўлишига ишонамиз.**

*Барратизга баҳор айёми суратлар бўлсин!*



Дилдаги ашлар

**Ушанда ҳам баҳор эди. Кўёш болачалари — хокигуллар хали оппоқ момотелпакка айланмаган эдилар. Мактабимизга комиссия келди. Ўқувчиларим мен берган саволларга бурро-бурро жавоб беришди. Араёнга фаол иштирок этмаган ўқувчи қолмади. Дарс сўнгида комиссия аъзолари чапак чалиб юборишди.**

# Алдаб кетма менц, баҳорим...

— Тўғриси айтсам, шунча йил мариф соҳасида ишлаб, сиздай ижодкор ўқитувчини кўрмаганман. Тажрибангизни кенг ёйиш керак. Бу дарс эмас, санъат! — деди оппоқ сочли комиссия раиси. — Мен катталарга айтаман. Сизни ҳеч бўлмаса директор қилиб қўйса, мактабни гуллаб-яшнатасиз.

Хурсанд бўлдим. Директор бўлсам нима қила олишим мумкинлиги ҳақида бир неча кун бош қотириб юрдим. Мактабда қаттиқ тартиб ўрнамаган. Билимдон, қаттиққўл ўқитувчиларни атрофимга тўплайман. Билимга чанқоқ ёшларни маънавий рағбатлантириш усулларини излаб топаман. О, кўп иш қиламан.

Аммо комиссия кетди-ю, биров сен нима қилаясан деб сўрамади. Шукр қиламан. Автобуга чиқсам, катта-катта одамлар менга жой беришади.

— Домла, бир вақтлар бизга зўр дарс бергансиз.

Шуниси ҳам яхши. Ушанда баҳор эди. Умидбахш яшил майсалар ялтирарди. Партиядошларим туман депутатлигига номзодимни кўрсатишди. Ишга киришиб кетдим. Дастуриمنى эълон қилдим. Элнинг илиқ назарини ҳис қилиб, қувондим.

Мен чет элда ўқиганман, курсдошларим орасида йирик сармаюдорлар бор. Ваколатим кенгайса, менга ишонишадди, уларни туманимга жалб қилиш имкониятини ошадди. Йирик заводлар барпо этилади. Ёшлар иш билан таъминланади. Туманимиз истиқболи учун кенгайша бир қанча тақлифлар киритиш ниятим бор.

Бир йиғилишда менга муқобил номзод тўланганларга мурожаат қилди: — Мен одамлардай афсона сўйламайман. Кимга нима керак, ҳозир ҳам қилиб бераман.

Бир мактаб ўқитувчиси ўқувчидай қўлини кўтариб сўради:

— Мактабимизнинг олди тупроқ бўлиб ётибди, шамол кўтарилса, синфхоналар чангга тўлади.

— Эртагаёқ асфалт қилиб бераман. Хуллас, мен бир фоиз овоз олдим. У эса — тўксон тўқиз. Уни табриклардим. Демократия — демократия-да.

Утган йили қиш қилчичини қайраган чоғда бир дўстим инқиллаб телефон қилди. Аҳволи оғир эмиш. Мактабда бирга ўқиган эдик, ўзи яхши ўқимас эди. Бир мансабдорнинг қизига уйланди-ю, вилоят марказида ишга қолди.

Ўзи иккитагина қўй қилгандим. Биттасини сўйиб бозор-учар қилиб бордим. Уралиб олган. Мансабидан кетибди. Роса ичди. Алжираб қолди. Узоқ ўтириш ноқулай бўлди. Кеч бўлса ҳам уйга қайтдим. Чиқаётганимда хотини эшиқдан мўраллади.

— Ҳа, кетдингизми? Қолсангиз бўларди. Дугонамга салом айтинг.

Шундан сўнг қулоғимга бир гап чалинди.

«Фалончини бошлаб туширдим. Мансабимдан кетгандан сўнг, ҳеч ким хабар олмай қўйганди. Малимга телефон қилгандим, раҳим келиб, бир қўй ташлаб кетди. Ёши элликдан ўтса ҳам ўша-ўша содда», — дебди.

Мана, боғлар гулга бурканди. Юрагимда нафис туйғулар жўш урапти. Аммо менга баъзи ҳазин қунарларим эслатиб, ҳаёт ҳақида чексиз ўйларга солиб қўйди.

Боғларнинг муаттар бўйидан сармаст юрганимда бир танишимни учратиш қолдим. Катта шаҳарда яшайди. Бир тақлиф қилиб қолди.

— Биз илдимиздан узилиб қолганмиз. Сен оддий халқ ҳаётини яхши биласан. Қишлоқ турмушини қокори даражага кўтариш учун лойиҳа тайёрланаяпти. Шунга ҳисса қўш. Сенинг тажрибанг бизга асқотади. Шунча йил қишлоқнинг тупрогини ялаганинг етар, ўша она маконинг ҳақи, пойтахтда ҳам яшаб кўр.

Бирдан бошимда фикрлар чарх ура бошлади. Қишлоқни гузал ҳаёт масканига, ёшларнинг севимли маъвоисига айлантирса бўлади. Шунда ҳеч ким беғона юрда яшашни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Шу хаёллар рўё бўлмаса қанийди, келажақда инсонларнинг бахтли яшашини учун нимадир қила оламан. Ишонинг. Орзуларим сароб бўлмаса бас.

Алдаб кетма менц, баҳорим!

Довуд МАҲДИЙ



Умрнинг тенгсиз лаҳзалари оқар сувдек ўтаетиради. Энг асосийси, кенган умр мазмуни ҳаётдаги азгу ишлар билан ўлчанади. Зайниддин Сайфидинов ўзининг ҳаёт йўли ҳақида уйлаганда шу нарсалар ҳаёлидан ўтади.

1936 йил 21 мартда таваллуд толган Зайниддин Сайфидиновнинг болалик ва ўсмирлик йиллари Хатирчи туманида кечди. Урта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факултетида ҳужжат топширди. Илмга чанқоқ қишлоқ йиғити эмасми, кунт билан ўқиди. 1960 йили университетни тугатгач, Жиззах туман прокуратурасида терговчилик вазифасида иш бошлади. Прокуратурада ишлаш учун иштиёқинг ўзи камлик қилади. Билим ва тажрибани уйғунлаштира олиш ҳамда қатъият прокуратура ходимининг касб мезони деб билган ёш мутахассис ўқиб-ўрганишдан эринмади. 1962 йили Самарқанд вилоятининг Оқдарё туман прокуратураси терговчиси этиб тайинланган экан, З. Сайфидинов оқоридаги ўғитларни ўзига шиор қилиб олди. Зайниддин аканинг фаолиятига назар ташлаган-

# Умр зийнати

ман прокурорининг катта ёрдამчиси вазифасидан пенсияга чиқди.

Прокуратура фохрийси Зайниддин Сайфидинов ҳаётидан мамнун. Аҳойиб оиласи бор, фарзандлари, неваралари унинг қувончи. Эл-юртада обрў-эътибори баланд. Инсоннинг бахти ҳам, умрнинг зийнати ҳам шу-да. Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек:

**«Нафсинг агар халққа бешақдур, Билки, бу наф ўзинга қўпрақдур».**

Шу қунарда кўтлуг етмиш ёшга тўлаётган ота-хонни чин дилдан муборақбод этамиз.

Шавқиддин ЖАМОЛОВ, Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдამчиси



Баҳор келди, баҳорой келди,  
Зангорианиб бормоқда кўнглим.  
Кўз қувончлар ашқига тўзди —  
лим-лим!

Баҳор келди, баҳорой келди,  
Бойчечаклар сўрар суюнчи.  
Тортишишар офтобтой кулади,  
«Биз биринчи, бизлар биринчи».

Сени сўқдан асрасин, баҳор,  
Дил тун эди, тонг бўлиб отди.

Жамалинга боқиб хўп тақдор,  
Рухим дарахт бўлиб тик қотди.

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА

## Тошкент шаҳар фавқулодада вазиятлар бошқармаси хабар қилади

Йил бошидан буён шаҳар ФВБ қўтқарувчилари 60 та хонадондаги қария ва ногиронларнинг мушкулени осон қилиб, тиббий ёрдām кўрсатдилар. Газ плиталари, электр жиҳозлари ёниқ қолган 72 та хонадонда ёнгин содир бўлишининг олди олинди. 76 та хонадондаги болалар хавфдан қутқарилиб, ота-оналарига соғаломат топширилди.

Бундан ташқари 80.375 та мурожаат бўйича фуқаро муҳофазаси хизмати ва авария-тиклаш гуруҳларининг иши мувофиқлаштириб борилди.

Юқоридаги каби нохуш ҳодисалар рўй бермаслиги учун ҳамшаҳарларимизни доим сергак ва эътиборлироқ бўлишга чақирамиз.

6 март куни Тошкент шаҳар ФВБнинг диспетчерига Миробод тумани Ойбек кўчаси 55-ўй қаршидаги зовур қирғоғида, плита остида Анвар Рўзиметов деган киши қолиб кетганлиги ҳақида фуқаро В.Тегай шошилинч хабар берди. Бошқарманинг капитан Хусан Бобонов бошчилигидаги қутқарувчилари зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, жабрланувчини чиқариб олишти ва тиббий ёрдām кўрсатишди.

9 март куни кеч соат 00:40 да Юнусобод тумани Орипов кўчаси 2-ўй 16-хонадон эшиги қулфланиб, ичарида газ плитаси ёниқ қолиб, ёнгин содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида фуқаро А.Назиров хабар берди. Катта лейтенант Отабек Шоошупов бошчилигидаги қутқарувчилар санокли дақиқаларда уш ерга етиб бориб, махсус асбоб орқали хонадон эшигини очинди ва хавфни бартараф этинди.

Хуснияхон ТОҶИБОЕВА, Тошкент шаҳар матбуот гуруҳи ходими

**Афоризм**  
Ҳаётга енгил қараш уни оғирлаштиради.  
Имил КРОТКИЙ



**Қизиқарли факт**  
Ер юзидаги ҳайвонлар ичида юраги энг катта ва қон босими энг баланд ҳайвон жирафа ҳисобланади экан.

### ТАБАССУМ

Ховлиқма ўғил Афандини қажавали мотоциклга ўтқазиб, сайрга олиб қилди. Йигит мотоциклни ўқдай учриб бораётиб мақтади:  
— Кўриб қўйинг ота, соатига юзда кетапман.  
Мотоциклга газ бериб, яна бақирди:  
— Соатига юз йигирмада кетапман!  
Шу пайт рўпарадан бир йўловчи чиқиб қолди-ю, ховлиқма йигит мотоциклни четта буриб юборди. Мотоцикл ағдарлиб йигитнинг оёғи чиқиб кетди. Афанди тўнининг чангини қоқиб, зарда билан деди:  
— Мана энди соатига ўн метр юради-ган бўдингиз, ўғлим!

Харфларни тўтри кетма-кетликда улаб, яшириган сўзин аниқланг. (Намунага қаранг).

Н Я И  
Д А Я  
Л П  
Е

Г Л Р И Ш Л  
А И Х Т А Я  
Н Е А З И  
М Н И А Ц

Л И  
З Д К  
И Х А  
С Л

П О Л  
Е Н Э К  
Д Ц И  
И Я

С У Т  
Е Т  
Р В И

М  
И З А К  
Л И П  
А Т

Апелдэрия

Утган сондаги ребус жавоблари: норе вилетт, қонсалтинг, банкротлик, вестеьмолчи, мустамлақачилик, суввенция, Анпенена

**HUQUQ**  
yuridik gazeta

**To'rsischi:**  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:**  
**Jahongir SHAROFBOYEV**

**Tahrir hay'ati:**  
Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Fozil MAMSHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Pirmuqol QODIROV, Abduxoliq ABDURAZZOQOV

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.

**Telefon:** 133-83-49, 133-26-62.  
**E-mail:** Info@huquq.uz.  
**Faks:** 133-64-85, 133-10-53.

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: № 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashridan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjifat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 556.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: Z. MAMADALYEV  
Musahhir: A. MUSTAFOEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 6 7 8

**Gazeta haftana chorshabba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**